

Немис ОАВ: Германияда қанча мусулмон яшаши аниқ эмас



18:41 / 16.11.2018 2812

Гап шундаки, бугунги кунда Германияда қанча мусулмон яшаши тўғрисида бир нечта аниқ маълумотлар айтилмоқда. Бу ҳақда маълумот берган Zeit-Online газетасининг маълум қилишича, ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган бу масалада аниқ статистика мавжуд эмас. Нашр аввалроқ Германия канцлери Ангела Меркель мамлакатдаги мусулмонларнинг умумий сонини 4 млн.дан 4.5 млн.гача деб айтганини ёзади. Бу тахминан Германия аҳолисининг 5,5 фоизини ташкил этади. Лекин “Германия учун альтернатив” партияси мусулмонлар сонини 5 млн. деб маълум қилган ва бу рақам мунтазам равишда ошиб боришини ҳам эслатиб ўтади. Консерватив руҳдаги Tichys Einblick журнали эса 6-8 млн. атрофида, деб ёзади. Энг қизиғи, 2014 йилда Ipsos институти томонидан ўтказилган ижтимоий сўровларда Германияда яшайдиган мусулмонларнинг умумий

сони 16 млн. нафар деб айтилган. Бу мамлакатдаги жами аҳолининг тахминан 19 фоизини ташкил этади.

Islom.uz портали таҳририяти